

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 31 июль • № 30 (649)

Анжуман

ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



Жорий йилнинг 28 июль кўни Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Мустақиллик ва оила саломатлиги» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, тегишли вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, тиббиёт мустақиллигининг вакиллари, жамоат ташкилотлари, олим ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова кириш сўзи билан очиб, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш борасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва бунинг замирида келажаги буюк давлатимизнинг янада раванг

топишида инсонлар саломатлиги катта аҳамиятга эга эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан таъкидлаб ўтди.

Анжуманда асосий эътибор оила саломатлиги қаратилган бўлиб, мутахассислар «Оилада репродуктив саломатлик қарор топишида жамоатчиликнинг ўрни ва роли», «Соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва камол топтиришга қаратилган давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари», «Ўзбекистонда «Соғлом она ва соғлом бола» ижтимоий ҳаракатини такомиллаштириш» ҳамда «Оила барқарорлигини шакллантиришда ижтимоий-демографик масалалар» мавзусида маъруза қилдилар.

Тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад, оилада репродуктив саломатлик ривожланишида жамоатчиликнинг ўрни, соғлом оилани шакллантириш, мустаҳкамлаш, оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий муносабатларни ривожлантириш ҳамда соғлом она — соғлом бола тамойилларини қўллаб-қувватлаш вазифалари келажақ авлодларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида алоҳида ўрин тутганини таъминлашдан иборатдир.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Зиёдулла НОРМУРДОВ.

Независимость — 18 лет

ЧУВСТВО РОДИНЫ

Родина... Как много значит это слово для каждого из нас. Так же, как мать, Родина в жизни человека одна, единственная и неповторимая. Каждый из нас вкладывает свой смысл в это слово, но общим для всех является то, что Родина — это дом, то место, где нас всегда ждут и любят.

Мы радуемся победам, происходящим на территории родной страны, отмечаем достижения и великие события, одно из которых произошло 1 сентября 1991 года, когда Узбекистан обрел свою независимость. Мы обрели ее, после чего, став независимым государством, смогли осознать свою ценность — ценность узбекского народа — еще глубже. 18 лет — столь продолжительный и наполненный событиями отрезок времени. За этот период мы изменились, стали уверенными, и теперь с высоко поднятой головой несем звание народа независимого государства.

Как много дала нам она — независимость? Лишь стоит устремить свой взор на цветущие города страны, раскинувшиеся сады и сооружения современной архитектуры, ослепительные пейзажи гор и безупречную чистоту природы, замирает сердце каждого, именующего Узбекистан своей Родиной.

Этот год является особенным для всех нас, ибо Узбекистан отмечает двойной праздник.

Гордость Узбекистана, один из крупнейших и современнейших городов страны, столица — Ташкент также отмечает свой юбилей — 2200-летие. Поэтому мы вдвойне рады и с еще большим нетерпением ожидаем приближающийся сентябрь.

В пределах независимого Узбекистана главной ценностью является личность. И все реформы и преобразования осуществляются во благо тех людей, которые проживают в стране. В частности, здоровье — главное богатство человека и сфера, занимающаяся здоровьем, медицина, система здравоохранения — все это находится во внимании руководства страны. Мы, медицинские работники, гордимся вниманием, которое уделяется нашей профессии, и, в свою очередь, выполняем свой долг, следуя клятве Гиппократ, будем поддерживать здоровье всех наших сограждан на высшем уровне.

А. ЛЮБИЧ,
директор
Республиканского
перинатального центра.

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оила фаровонлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг 13 апрелида Президентимиз томонидан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-1096-сонли Қарорининг қабул қилиниши барча тиббиёт соҳаси мутахассислари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг зиммасига янада катта масъулият юкледи. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ва кенг жамоатчилик, айниқса ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусида тегишли ташкилотлар томонидан тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, бу борада қўлаб-қўллаб жараёнлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ана шундай тадбир Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани «Оқ олтин» маҳалласида ҳам ўтказилиб, унда маҳаллий аҳоли, соҳа мутахассислари, матбуот ва маъмурий орган ходимлари фаол иштирок этишди. Йиғилишда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича амалга оширилган ва келажақда режалаштирилаётган фаолиятлар қўриб чиқилиб, тизимдаги мажмуд муаммоларни бартараф этиш бўйича маҳалла, оила аъзолари, ёш келин-куёвлар ва фертил ёшдаги аёллар орасида ўтказилаётган тушунтириш ишларини фаоллаштириш ҳамда аҳолининг тиббий савиясини ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳамза ШУКУРОВ.

Назорат ва таҳлил

ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛГАН ВА СИФАТСИЗ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛАДИ

Истиклолнинг илк кунларидан инсон ман-фаатлари ва унинг саломатлигини муҳофа-за қилиш давлат сиёсатининг устувор вази-фаларидан бири сифатида эътироф этилган ва бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Республикада халқ саломат-лиги йўлида тиббиёт тизимининг барча со-ҳаларида ижобий фаолиятлар олиб борила-ётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Айтиш жоизки, аҳоли соғлигини муҳофа-за қилишда тизимнинг бирламчи тиббий сани-тария, шовилинч тиббий ёрдам, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда сани-тария-эпидемиология соҳаларида ижобий фаолиятлар амалга оширилиб, тиббиёт муассасалари замонавий тарзда қад кўтар-ди, янги технологиялар билан таъминланди. Халқнинг тиббиётга ишончи ва соғлиғига

бўлган эътибори ортиб бормоқда. Мазкур со-ҳалар каби фармацевтика соҳасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар бўлиб, соғлом рақобат муҳи-ти шаклланди. Ушбу йўналиш, яъни фарма-цевтика соҳасини янада такомиллаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатда-ги йўналиши кун тартибига киритилди. Унда «Дори воситалари ва фармацевтика фаоли-яти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, биринчи ўқишда маъқулланди. Маз-кур қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва иж-тимоий масалалар қўмитаси раисининг ўрин-босари Шоира Окбўтаевна Умарова билан суҳбатда бўлди.

— Шоира Окбўтаевна «Дори воситалари ва фарма-цевтика фаолияти тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республи-каси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши-нинг асосий сабаби нимада?

— Фармацевтика соҳаси му-тахассислари ва ҳуқуқни му-ҳофаза қилиш органлари томони-дан сўнгги йилларда Ўзбекист-он Республикасига сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситалари кўп-қўлаб кириб кела-ётганлиги, истеъмол бозориди-дан бундай дори воситаларининг мавжудлиги, «қора бозор»лар-да, ҳаттоки айрим дориҳона-ларда ҳам ўнрағатлиги қайта-қайта тақдорланмоқда. Жумла-дан, 2009 йилнинг олти ойи мобайнида дори воситалари ва тиббий техника сифати-ни назорат қилиш Бош бош-қармасига келиб тушган маълумотлар асосида стан-дарт талабларга жавоб бер-майдиган ва Ўзбекистон Республикасида сотилиши рухсат этилган 131 ном-даги 139-серияли дори во-ситалари аниқланган, булар-дан: 66 номдаги 89-серия дори воситалари — сифат-сиз, 24 номдаги 27-серия дори воситалари — қалбаки-лаштирилган, 41 номдаги 41-серия дори воситалари эса давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлиб, мазкур аниқланган ҳолатларни бар-тараф этиш чора-тадбири кўрилган.

Соҳа мутахассислари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг фик-рига кўра, дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги қондабузарликлар-нинг асосий сабаблари амал-даги қонунда «қалбакилашти-рилган дори воситаси», «си-фатсиз дори воситаси», «дори воситаларининг айриқонуний нусхалари» каби тушунчалар-нинг аниқ таърифи берилган мезонларнинг йўқлиги ва улар-ни сотиш, ишлаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республика-си ҳудудига импорт қилиниши-нинг ман қилинмаганлигидир.

Шунинг учун ҳам соҳани тар-тибга солувчи асосий қонун бўлиши «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғ-рисида»ги Ўзбекистон Рес-публикаси қонунига ўзгари-ш ва қўшимчалар киритиш

зарурати юзга келди. Ушбу зарурат қуйидагича асослан-ди: амалдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 13-мод-даси 5-қисмида «Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказил-ган дори воситаларининг қалба-киси ёки айриқонуний нусха-си бўлган дори воситаларини ре-ализация қилиш тақиқланади», деб белгиланган. Бироқ, мазкур нормада инсон ҳаёти ва сало-матлигига реал хавф туғдиради-ган «сифатсиз дори воситаси»-ни реализация қилиш тақиқла-ниши белгиланмаган. Ваҳоланки, дори воситаларининг «қалбаки-си», «айриқонуний нусхалари» ва «сифатсиз» дори воситаси бир-биридан фарқ қилувчи тушунча-лардир. Шунингдек ушбу модда-нинг 5-қисмида «рўйхатдан ўтказил-ган дори воситаларининг қалба-киси ёки айриқонуний нусха-си бўлган дори воситаларини ре-ализация қилиш тақиқланади», деб белгиланган. Шу ўринда «рўйхатдан ўтказилмаган» дори воситаларини реализация қилиш тақиқланмаган. Қонуннинг 13-моддаси 6-қисмида эса «мудда-ти ўтган дори воситаларини соти-ш ва улардан фойдаланиш тақиқ-лангани» белгиланган. Дори воситаларининг ўзига хос жиҳа-ти шундаки, улар яроқлилик муд-дати ўтмасдан ҳам (тегишли ҳарорат ва шaroитда сақланма-са ёки бошқа сабабларга кўра) истеъмолга яроқсиз — сифатсиз бўлиши мумкин. Ана шундай си-фатсиз дори воситасини сотиш тақиқланиши қонунда белгилан-маган. Ундан ташқари, 13-мод-данинг номланиши ўзбек тили-даги матнда «Дори воситалари-ни сотиш» деб номланса, мод-данинг рус тилидаги матнида «реализация қилиш» сўзи ишлатил-ган. Бу ҳам қонунда ишлатил-ган сўзларни бириктириш заруратини қўяди. Шунингдек, қонуннинг 7-моддаси 2-қисмида «Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади», деб белги-ланган. Бироқ қалбакилаштирил-ган дори воситаларини ёки улар-нинг айриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланмаган. 13-моддага асосан қалбакилаш-тирилган дори воситалари ва дори воситаларининг айриқонун-ий нусхаларини реализация қилиш тақиқланган бўлсада, иш-лаб чиқаришга эса бундай та-

лаб қўйилмаган. Ана шу мақсад-ларда қонуннинг 7-моддаси 2-қисми ва 13-моддаси 5-қисми янги тахрирда берилиши лозим деб топиламоқда. Худди шунинг-дек, қонуннинг 14-моддаси 2-қисмининг қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилган дори во-ситаларининг айриқонуний нусха-лари бўлган дори воситалари-ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишни тақиқ-ланиши бериш тақлиф этил-моқда.

Шунингдек, қонуннинг 2-мод-дасида бир-биридан тубдан фарқ қилувчи «қалбакилаштирил-ган дори воситаси», «сифатсиз дори воситаси» ва «дори во-ситаларининг айриқонуний нусха-лари» тушунчалари билан тўлди-риш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг «Асосий тушунчалари» деб номланган 2-моддасидаги «дори воситаси» тушунчасига «дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжал-ланган дори моддалари (суб-станциялар)» тушунчаси киритил-моқда. Қонуннинг амалдаги тах-ририда дори моддалари (суб-станциялар) дори воситалари қаторига киритилмаган. Шунга қарамай, давлат назорат орган-лари томонидан дори моддала-ри (субстанциялар) ҳам дори воситалари каби мажбурий қайд этиш ва сертифицилаштириш талаблари қўйилади. Бироқ, дори воситалари ва дори моддалари (субстанциялар) тушунчалари базис меъёрий ҳужжатларда тур-лича таърифланган. Мавжуд бўлган турли талқинларнинг ол-дини олиш ва дори моддалари (субстанциялар) сифатига бўлган талабларни ошириш мақсадида, уларни дори воситалари қатори-га киритиш мақсадга мувофиқ-дир. Ушбу қўшимча дори во-ситалари келиб чиқишини аниқ-лаштириш мақсадида киритил-моқда. Дори моддалари (суб-станциялар) фармакологик фаол моддалар ҳисобланади, улар дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжал-ланган, бир қатор ҳолларда улар мушакил равишда дори во-ситалари сифатида ишлатилади. Шу муносабат билан «дори во-ситалари» тушунчаси дори моддала-ри билан тўлдирилмоқда.

Қонуннинг 2-моддаси ўн ет-тинчи хатбошида тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюм-

лар, яъни боғлаш ва тикиш ма-териаллари, шприцлар, қон ва инфузион эритмаларни қўйишга мўлжалланган системалар, бе-морларни парваришлашга мўлжалланган буюмлар келтирилган. Ушбу рўйхат фақат олти номда-ги тиббий буюмлар рўйхатини ўз ичига олган. Бироқ, халқаро, давлатлараро стандартлар, ди-рективаларга асосан қабул қил-линг классификацияга муво-фиқ тиббий буюмлар кенг ва тур-ли-туман буюмлар асортимен-тини ўз ичига олади. Бугунги кун-да республикамизда 150 дан ортиқ турдаги тиббий буюмлар рўйхати тасдиқланган. Амалиёт-да тиббий буюмлар рўйхати Со-ғлиқни сақлаш вазирлиги томо-нидан тасдиқланади, шунингдек, 3-модданинг 3-қисмида «Тибби-ёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиб-бий буюмларнинг рўйхати Ўзбе-кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади» деб кўрсатилган. Шу муносабат билан, санаб ўтилган тиббий буюмларнинг номлари чиқариб ташланмоқда.

Қонунга кўрсатилган ўзгари-шларни киритиш қонунни қўллаш амалиётини энгиллашти-ради, бугунги кунда қўлланила-ётган атамаларга юридик таъриф беради. Ички бозорни қалбаки-лаштирилган ва сифатсиз дори воситалари оқимида самарали-роқ химоя қилиш, тайёрловчи қорхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини респуб-лика ҳудудида дори воситалари-нинг айриқонуний нусхалари муомалада бўлишидан химоя қилиш учун шарт-шaroитлар яра-тади. Шунингдек, қонун лойиҳа-си давлат даромадлари қисқар-тирилиши ёки давлат харажат-лари кўпайтирилиши, шунингдек, давлат бюджетининг моддалари ўзгаририлишини талаб қилмай-ди.

— Демак, таъкидлаганингиз-дек, қонунга таъкидловчи нор-малар ҳамда қонунчиликка ана тегишли ўзгаришлар киритилиши, ана шу тақиқлан-ган ҳаракатларни содир эт-ганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун нор-малари киритилиши заруратини ҳам келтириб чиқарган, шун-дай эмасми?

— Ҳа албатта, шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тегишли тартибда «Ўзбекистон Респуб-ликасининг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лой-иҳаси Қонунчилик Палатасига ки-ритилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек прокуратура, божхона, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органларининг ҳодимларидан иборат таркибдаги ишчи гуруҳ-

лар томонидан ҳам дори во-ситаларига оид қонунчилик иж-роси юзасидан текширишлар ўтказилиб, бунда асосий эъти-бор қалбакилаштирилган, си-фатсиз, истеъмолга яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ноқонуний йўллар билан кириб келиши ҳамда ре-ализация қилинишининг олди-ни олишга қаратилган.

Улар томонидан аниқланган қонунбузилишларнинг шаро-итлари ўрганилганда, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёхуд тиббий буюм-ларни ўтказиш мақсадида иш-лаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки уларни ўтказиш ҳаракатлари учун жи-ноий ёки маъмурий жавобгар-ликнинг мавжуд эмаслиги ушбу ҳолатлар кенг равишда тарқалишига сабаб бўлаётганлиги маълум бўлган. Юқоридагилар-га асосан ҳамда дори во-ситалари ва тиббий буюмлар билан муомала қилиш соҳасида-ги қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ҳамда шарт-шaroитларини бартараф этиш мақсадида амалдаги Жи-ноят кодексини сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори во-ситалари ёхуд тиббий буюм-ларни ўтказиш мақсадида иш-лаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки уларни ўтказиш ҳаракатлари учун жа-вобгарликни назарда тутувчи норма билан тўлдириш мақсад-га мувофиқ деб топиламоқда. Махсус норманинг мавжудлиги, айниқса жиноий жавобгарлик хавфи дори воситаларини но-қонуний муомалага киритиш билан боғлиқ барча ҳаракат-ларга тўсқинлик қилади. Бун-дан ташқари, ушбу янгилик мазкур ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни тортишини яро-на амалиётини ўрнатади. Хо-зири кунда мазкур жиноятлар Жиноят кодексининг ҳар хил моддалари билан таснифланиб, бир тоифадаги жиноятларни турлича малакаш ва шахсни турли моддалар билан жа-вобгарликка тортишга замин ярат-моқда.

Жиноят кодексига киритили-ши тақлиф қилинаётган жа-вобгарлик худди шундай ҳаракат-лар учун маъмурий жавобгар-ликка тортилгандан сўнг юзага келади. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексга мазкур ҳара-катлар учун маъмурий жа-вобгарлик масаласини белгил-лаш мақсадида киритилиши тақлиф этилмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий маса-лалар қўмитаси томонидан мазкур қонун лойиҳалари усти-да иш олиб боришда ва уни иккинчи ўқишга тайёрлаш иш-лари давом эттирилмоқда.

Суҳбатдош: Ибодат СОАТОВА.

Обуна — 2009

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ҳодимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз семимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.



Мутахассис оғоҳлантиради

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ, АГАРДА ҲУШЁР ВА ҲАМИША ОҒОҲ БЎЛСАК

дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиги ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Боқижон МАТКАРИМОВ

Жаҳоннинг қатор мамлакатларини ташвишга солаётган янги вирус А/Н1Н1 гриппи бўйича бугун мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазият таъминланмоқда. Аҳолини бундай юқумли касалликдан оғоҳ этиш, профилактик чора-тадбирларни кўчатириш, санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш сингари устувор вазифалар аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолиятлар доирасида олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва босма матбуот нашрларида мазкур касалликнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий билимларини ошириш бўйича қатор лойиҳалар, кўргазмалар куруллар, бук-

летлар ва видеороликлар тайёрланиб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари кўчатирилди. Ҳамкор ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан ишлаш мўайян самара бериб, ҳозиргача юртимизда А/Н1Н1 гриппи қайд этилмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин шунга қарамай, доимий равишда ҳушёрлик, оғоҳлик ва эътиборни кўчатириш муҳим вазифа ҳисобланади. Мазкур касалликнинг олдини олиш ва ундан сақланиш йўллари тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиги ўринбосари, профессор Боқижон МАТКАРИМОВ билан суҳбатда бўлдик.

– Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган янги вирус пандемияси, табиийки, ҳеч бир давлат эътиборидан четда қолмайди. Ушбу ҳолат республикамиз ҳудуди аҳолисига қандай таъсир кўрсатади?

– Албатта, инсоният тарихида ҳали тўла ўрганилмаган, бундай хасталикнинг қайд этилиши тиббиёт олимларини хавотирга солмоқда. Ҳақиқатда ХХI асрни – вирусология асри, дейиш мумкин. Чунки, аксарият касалликлар номаълум вируснинг тасодифан юзга келиши билан характерланмоқда. Илк мартаба Мексикада рўйхатга олинган янги А/Н1Н1 гриппи дунёнинг юздан зиёд мамлакатларида кузатилмоқда. Шу боис, бу касалликнинг эпидемик тарқалиш хавфи тобора ортомқда. Юртимизда юқорида қайд этилган ва бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган доимий ва изчил ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширила-

ётган эпидемияга қарши махсус тадбирлар, четдан республика ҳудудига ўта хавфли бўлган юқумли касалликларнинг кириб келишига йўл қўймаслик ва аҳоли ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётгани туфайли республика-мизда эпидемиологик вазиятнинг барқарорлиги сақланиб турибди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари қўшидаги эпидемияга қарши штаблар ташкил этилиб, унга етук мутахассислар жалб этилди. Вирусология илмий-текшириш институти ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг вирусология лабораториялари А/Н1Н1 гриппини тез аниқлай оладиган диагностика ва реактивлар билан таъминланди. Ҳозирги кунда барча аҳоли тураржойларида тозалаш ва ободонлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Мазкур А/Н1Н1 гриппи мавсумий грипп хасталигидан

қандай фаркланади. Бундай касалликка чалиниб қолмаслик учун нима қилиш керак?

– А/Н1Н1 гриппини кўзгатувчи вирус ўзига хос иммун-биологик хусусиятга эга бўлиб, одам организмнинг ҳимоя тизимини осон енгиб ўтади. Янги грипп қисқа вақт ичида бутун ер юзига тарқалмоқда. Мазкур хасталикнинг асосий белгилари оддий гриппдан деярли фарқ қилмайди. Бу асосан хаво томчи йўли орқали, яъни йўталганда, аксирганда, умумий идиш ҳамда гигиена воситаларидан фойдаланганда ва бевосита мулоқот йўли билан юқди. Яширин давр бир неча соатдан 7 кунгача, ўртача 2-3 кун давом этиши мумкин. Касаллик аломатлари оддий гриппга ўхшаш белгиларда намоён бўлади:

- тана ҳарорати кўтарилиши (38,5-40°С);
- ҳолсизлик;
- йўтал ва аксирш;
- бурун оқиси ёки битиши;
- томоқ, бош, мушаклардаги оғриқ.

Баъзида қайт қилиш ва ич кетиш ҳолатлари ҳам кузатила-

ди. Агар юқоридаги белгиларнинг бирортаси кузатилса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш зарур. Касаллик асоратларининг олдини олиш ва тезда соғайиш учун биринчи кундан бошлаб беморга уй шароитида ётиш тавсия этилади. Бемор билан мулоқотда бўлган ҳар бир одам гриппни юктириши мумкин. Тиббий доқа никоб тақиб юриш касаллик тарқалишини чегаралайди. Бироқ, доқа никобдан тўғри фойдаланиш (вакцина алмаштириш ёки совунлаб ювиш) керак.

Касаллик белгилари намоён бўлган бемор шифокор келгунча уй шароитида қуйидаги профилактик чора-тадбирларга риоя этиши зарур:

- шахсий гигиена қоидаларига;
- қўлларининг тез-тез ва совун билан ювини;
- кўпроқ суяқлик истеъмол қилиш (малинали, лимон ва асал-ли чой, иссиқ сут ҳамда наъматак дамламаси);
- тана ҳарорати юқори бўлганда шифокор тавсиясига кўра, иситма туширадиган дори ичиш мумкин (18 ёшга тўлмaganларга аспирин бериш мумкин эмас);

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида қўрилатган ана шундай профилактик чора-тадбирлар самараси боис, мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазият шаклланимоқда. Дунё олимларини хавотирга солган, фанда номи маълум бўлган А/Н1Н1 гриппига қарши зарурий чора-тадбирлар кўриш эса халқимизни ўз вақтида хавфли ва юқумли касалликлардан эҳтиёт қилишининг ишончли кафолати ҳисобланади. Шундай экан, барчамиз ўз соғлигимизга масъул бўлиб, турли касалликларга чалиниб қолишдан ҳушёр бўлайлик.

Суҳбатдош:
Намоё Толипов.

Соғлом она –
соғлом бола

Дунёда она бўлишдек буюк неъмат бормикан? Демак, соғлом фарзандни дунёга келтиргунча илк бор оналик бахтини ҳис этган аёл ҳомиладорлик, яъни ана шундай унутилмас кунларни бир умр ёйда сақлайди. Сизга ҳавола этмоқчи бўлган мақоламиз ҳам эндигина она бўлиш арафасида турган аёлларимиз учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ҳомиладорликнинг биринчи белгиси – ҳайзининг тўхташи. Ҳайз тўхташи билан қишлоқ врачлик пунктига ёки оилавий поликлиникага мурожаат қилиш лозим. У ерда малакали шифокор сизни назорат остига олиб, ҳомиладорликка доир текширувга йўллайди. Агар ҳомиладорлик тасдиқланса, шифокор томонидан тавсия этилган жадвалга мувофиқ, унинг қабулига мунтазам равишда қатнаб туринг.

Ҳомиладорликнинг асосий даврлари

Одатда ҳомиладорлик 40 ҳафта (9 ой атрофида) давом этади. Буни ҳисоблаш эса охири ҳайзининг биринчи кундан бошланади. Аёлнинг ҳомиладорлик даври уч фаслга тўғри келади, яъни ҳомиладорликнинг 9 ойини учта уч ойликка бўлиш қабул қилинган.

Биринчи уч ойлик фасл

Уруғланган тухум ҳужайра ўса бошлайди ва етилади, 5-8 ҳафтадан ҳомиланинг баъзи аъзолари – бош миyesi, юраги ва орқа миyesi шаклланиб, 12 ҳафта ичида ҳомиланинг барча аъзолари одам қиёфасига кира

бошлайди. Ҳомила бачадоннинг пуфакцидаги суяқликда ўсади. У кислород ва озиқ моддаларни она томирларидан киндик орқали олади.

Шу пайтдан бошлаб вужудингизда ўзгаришлар рўй бера бошлайди: кўкрак шишиб, оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Ўзингизни бетабдек сезасиз, эрталаблари кўнглингиз айнаши, яъни «бош қоронғу» аломати пайдо бўлиши мумкин.

Иккинчи уч ойлик фасл

Ҳомила ўсиш ва етилишда давом этади, одам тусига кира бошлайди. 17-20 ҳафта ўтган, қорнингизда охиста елпиниши пайкайис – бу ҳомилангиз қимирлай бошлаганидан дарақдир. Шу биринчи қимирлаш кунини ёзиб қўйинг (ҳомиладорлик қайси паллага келганини аниқлашда асослади). Бу пайтда ҳомиладорлик аёнлашади, чунки қорнингиз дўппайган, кўнгли айнашлар тўхтади, оғирроқ аёл ўзини тузук сезади.

Учинчи уч ойлик фасл

Қорин катталашади давом этади, ҳомила етила бошлайди, қимирлаши жаддалашади. Ўқтин-ўқтин белингиз оғриши мумкин –

БҲ СИЗ УЧУН
БАҲТЛИ ОНЛАР

бу табиий ҳол, бола вази ва ҳомила суяқлик оғирлигининг оқишси. Ўттинчи ҳафтадан сўнг ўлкангиз сиқилиши оқибатида хансираш аломати пайдо бўлади. Ҳамда қовуқ эзилиши натижасида ҳолатхонага тез-тез боришга эҳтиёж туғилади. Охириги икки ой давомиди юриш оғирлашади, тез чарчасиз, бироқ яқин орада кўзингиз ёриши, интизор бўлиб қутган зурриётингиз дунёга келиши дилингизни ҳушнуд этади.

Тўғруқдан олдинги шифокор назорати

Ҳомиладорликнинг биринчи аломатларидан шифокорга мурожаат этинг. Шифокор ва доя ҳомиладорлигингиз меъёрида ўтиши ҳамда болангиз яхши ривожланиши ва соғлом туғилиши учун сизни кузатиб боради. Ҳар қабулда вазингизни ўлчайдилар, томир уриши ва қон босимингизни аниқлайдилар – сизни кўриқдан ўтказадилар, шунингдек, таҳлилларни илгидилар. Қонни текшириш, шу билан бирга ҳомиланинг ўлчами ва бачадондаги ҳолатини кузатиб бориш мақсадида қорин қуруви ҳам бита тусулажага киради. Сўнгра шифокор махсус эшиткич ёрдамидида ҳомиланинг юрак уришини эшитиб қуради.

Биринчи қабулда биокимёвий таҳлил ҳамда қон гуруҳи ва резус омили, камқонлик, ОИВ/ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми), гепатит В ва С, сўзакни аниқлаш учун то-

мирингиздан қон оладилар. Бу таҳлил ерталаб, наҳорда амалга оширилади. Кейинги қабулларда умумий қон таҳлили учун бармоқдан қон топширилади. Энг кўп олинадиган таҳлил – сидик текшируви бўлиб, уни қандаг ва оқсилга аниқлайдилар – оқсил микдорининг оқишси юқумли касалликлар борлиги ёки қон босими юқорилигини билдиради.

Шифокор баъзан ультратовуш текшируви (УЗИ)га йўллайди. Бу тадбир ҳомирани ўлчаши, унинг бачадондаги ҳолатини аниқлашга, ривожланиш нуқсонларини топишга ва бошқа аниқлашларга имкон беради. Ультратовуш текшируви сизга ёки ҳомилангизга зарар етказмайди. Бундан ташқари, ҳомиладор аёл терапевт, офтальмолог, отоларинголог, стоматолог каби мутахассислар кўригидан ўтиши ҳамда электрокардиограмма (ЭКГ) қилдириши зарур.

Шифокор ёки дояга ўзингизни қизиқтирадиган саволларни беришдан тортинманг, улар сизга бажонидил жавоб беришади. Ўттиз



ҳафталик ҳомиладорликдан сўнг сизнинг кўнглингизга таҳлил натижалари қайд қилинган «Алмасуваракиси» берилади. Бу варақани доим ўзингиз билан олиб юришингиз лозим, чунки тўлғоқ қўқисдан бошланиши мумкин, бу ҳужжат эса туғруқхонага кириш учун йўлланма вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти «Авиценна» болалар шифокорлари уюшмаси билан Буюк Британия «HealthProm» нодавлат ташкилоти мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланди.



Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлом оила-жамият мустақамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Теория и практика

СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЭТИОПАТОГЕНЕЗА,
КЛИНИКИ, ТЕРАПИИ АТОПИЧЕСКОГО ДЕРМАТИТА

Атопический дерматит (АтД) – **аллергическое заболевание кожи, возникающее, как правило, в раннем детском возрасте у лиц с наследственной предрасположенностью к атопическим заболеваниям, имеющее хроническое рецидивирующее течение, возрастные особенности, морфологию очагов воспаления, характеризующееся кожным зудом и обусловленное гиперчувствительностью как к аллергенам, так и к неспецифическим раздражителям. Данная патология составляет от 5 до 30% в структуре общей заболеваемости больных дерматозами.**

В соответствии с Международной классификацией болезней-10 (МКБ-10) принят единый термин – «атопический дерматит», который имеет свои критерии диагностики и является собственно нозологической формой. В последние годы участились случаи сочетанных форм респираторных аллергических заболеваний и АтД: у детей такое сочетание в литературе описывается как «дерматит-респираторный синдром», у взрослых – «атопическая триада» или «тяжелый атопический синдром», и отличаются наиболее тяжелым течением.

С момента появления термина «атопический дерматит» прошло 70 лет, однако до сих пор по этому вопросу не утихают споры. Только в 1994 г. учеными Британской группы были сформулированы минимальные диагностические критерии атопического дерматита. Среди них основными являются:

- * зуд;
- * типичная морфология и распространенность;
- * «сигбательная» лихенификация;
- * классическое расположение кожно-патологического процесса (лицо, верхняя и нижняя конечности, шея, туловище);
- * хроническое рецидивирующее течение;
- * семейный анамнез по атопии (астма, аллергический ринит, конъюнктивит, атопический дерматит).

Выделяют дополнительные критерии диагностики:

- кероз (сухая кожа);
- икhtiоз;
- реакция немедленной кожной гиперчувствительности;
- высокий уровень Ig E, периферическая эозинофилия крови;
- частое инфицирование кожных покровов (стафилококковой, герпетической этиологии);
- хейлиты, экзема сосков, рецидивирующие конъюнктивиты, складка Денне-Моргана, кератоконус, передняя подкапсулярная катаракта, блебность или покраснение лица, перифолликулярная локализация высыпаний, складки на передней поверхности шеи;
- белый дермографизм;
- зуд при потоотделении;
- повышенная сенсibilизация к шерсти и липидным растворителям, пищевым компонентам;
- влияние эмоциональных, внешнесредовых воздействий на течение болезни.

Для постановки диагноза АтД необходимо иметь три обязательных и три дополнительных диагностических критерия. Однако, для ранней диагностики АтД особое внимание уделяется клинической картине заболевания.

Кожно-патологический процесс может иметь полиморфный характер. При остром периоде заболевания процесс характеризуется эритематозно-папулезными или эритематозно-везикулезными высыпаниями, множественными экскориациями, местами эрозиями с серозным экссудатом. Подострый процесс обусловлен эритематозными высыпаниями, экскориациями и шелушением, а хронический – лихенификацией

(утолщением кожи в очагах поражения) и папулезными высыпаниями. Однако, у больных с хроническим течением можно наблюдать одновременно все три вида кожных реакций.

Клиническое течение атопического дерматита на современном этапе характеризуется ранним дебютом заболевания, увеличением числа распространенных форм с высокой частотой обострений кожного процесса, сочетанным поражением внутренних органов и систем, увеличением числа больных с торпидным течением и формированием инвалидизирующих форм болезни.

Для оценки степени тяжести кожного процесса и динамики течения атопического дерматита Европейским обществом дерматовенерологов в 1993 году в Женеве был разработан и утвержден индекс SCORAD, объединяющий площадь поражения кожи и степень выраженности объективных и субъективных симптомов, широко используется отечественными и зарубежными практикующими врачами.

В патогенезе развития атопического дерматита играют роль несколько факторов. Одним из них является генетическая предрасположенность к аллергии с полигенными формами наследования. Следует отметить, что по наследству передается не болезнь, а совокупность патогенетических звеньев аллергической патологии. В работах многочисленных зарубежных и отечественных ученых доказано, что если в семье оба родителя страдают атопическим дерматитом, то вероятность заболевания ребенка составляет 65-71%. Когда же заболеванием страдает только один из родителей, то риск развития заболевания остается, однако снижается в два раза.

В формировании атопического дерматита важная роль принадлежит механизмам неадекватной иммунной реактивности, обусловленной развитием гиперчувствительности замедленного и немедленного типа. Одним из важных маркеров АтД является генетически детерминированный высокий уровень IgE, патогенная роль которого у многих авторов не вызывает сомнения. Гиперпродукция IgE приводит к развитию аутоиммунного процесса, чаще в активной, острой фазе болезни.

Однако, IgE-опосредованный иммунный механизм при АтД не всегда играет важную роль в патогенезе заболевания. По литературным данным, у 25% больных уровень IgE не превышает нормальных показателей. В этом случае важную роль играют нейропептиды и лейкотриены, тучные клетки, эозинофилы, кератиноциты, нарушение барьерной функции эпидермиса. Тучные клетки, выделяющие при дегрануляции серотонин, ПГЕ2, гистамин, располагаются вблизи нервных окончаний кожи, которые стимулируются также ИЛ-4, нейропептидами, что определяет возможность психического влияния на манифестацию АтД. Перечисленные механизмы рассматриваются как особо важные неспецифические (неиммунные) механизмы в патогенезе

АтД. Из других неспецифических механизмов в развитии АтД важную роль играют также нарушения вегетативной иннервации систем организма, которые проявляются в виде повышения холинореактивности, снижения в-реактивности, повышения а-реактивности; повышенной способности тучных клеток и базофилов освобождать медиаторы на такие стимулы, на которые клетки неапоптоиков не проявляют реакции; усиления активации калликреин-кининовой системы с увеличением содержания кининов в сыроворотке крови.

Важное значение в развитии АтД имеют хронические болезни желудочно-кишечного тракта, которые обуславливают повышенную сенсibilизацию и определяют темпы формирования дерматологического симптома. По данным отечественных ученых, факторами, способствующими развитию АтД, являются:

- частые острые респираторные заболевания, особенно у детей до трехлетнего возраста;
- наличие у больных очагов хронической инфекции в носоглотке и полости рта.

При этом частое и необоснованное применение антибактериальных препаратов или их комбинация приводят к формированию другого фактора – ятрогении, которая способствует нарушению нормального микробиотоза кишечника, определяет темпы формирования дисбактериоза кишечника, развивает дисбиоз, связанный с высокой колонизацией грибами рода *Candida*, что в свою очередь утяжеляет течение атопического дерматита.

Правильное понимание путей патогенеза АтД позволяет определить план адекватного, дифференцированного подхода к терапии, а также разработку реабилитационных мероприятий при АтД.

Необходимо сказать, что клиническое выздоровление заболевания определяется своевременным обращением больного к врачу – специалисту, комплексным обследованием (клиническим и лабораторным), правильностью выполнения тех рекомендаций, которые предлагает лечащий врач. **Сюда относятся:**

- первичная профилактика сенсibilизации организма (элиминационные режимы);
- купирование обострений заболевания;
- контроль за состоянием аллергического воспаления (базисная терапия);
- коррекция сопутствующих патологий;
- коррекция иммунологических нарушений.

Терапия

В комплексном лечении АтД ведущее место занимают антигистаминные препараты всех поколений, но необходимо отметить, что в последние годы предпочтение отдается антигистаминным препаратам второго поколения, применение которых возможно на протяжении длительного времени.

Мембраностабилизаторы, которые обладают способностью предупреждать развитие ранней фазы аллергического ответа посредством

блокировки выброса биологически активных веществ из тучных клеток и базофилов. Использование мембраностабилизаторов в сочетании с антигистаминными препаратами последнего поколения позволяет увеличить эффективность терапии.

Системная энзимотерапия, применяющаяся с целью улучшения расщепления аллергенных субстанций пищи, коррекции функциональных нарушений желудочно-кишечного тракта и дисбактериоза кишечника.

Иммуномодулирующая терапия.

Аллергенспецифическая иммунотерапия отличается воздействием на множество патогенетических звеньев аллергического процесса и обеспечивает длительный эффект от терапии.

Витаминотерапия. При АтД целесообразно назначение витаминов группы В, а также провитаминов (В-каротин), которые способствуют улучшению функций надпочечников, уменьшению воспалительных изменений в коже.

Антиоксиданты. Местная терапия направлена на купирование кожных проявлений в острой (гиперемия, отек, экссудация), хронической (лихенификация, кероз) стадиях заболевания, уменьшение и устранение субъективных ощущений (боль, зуд, жжение). Местные препараты включают в себя топические ГКС, эпителизирующие, увлажняющие, смягчающие, антибактериальные, мажорлактаные средства. При назначении наружного лечения учитываются возраст пациента, клиническая форма, стадия, распространенность, тяжесть кожного процесса, эффективность предшествующих препаратов. Рациональное, своевременное применение топических ГКС должно соответствовать принципу «лечить быстро, эффективно и комфортно».

Из физиотерапевтических процедур применяются УФО, PUVA-терапия, интервальная гипоксическая терапия, ультрафонофорез, КВЧ-терапия, лазеротерапия, переменное магнитное поле, в стадии ремиссии показано санаторно-курортное лечение («Чаткал», «Чимган», «Чартак» и др.).

Большое значение придается проведению профилактических мероприятий. Первоочередной задачей является первичная профилактика атопического дерматита, которая предусматривает выявление детей группы риска, проведение мер, предупреждающих развитие аллергических поражений кожи. Снижению риска развития атопического дерматита также способствует уменьшение концентрации аэроаллергенов в помещениях (аллергенов домашней пыли, *Dermatophagoides pteronyssinus*, *Dermatophagoides farinae* и др.), прекращение курения, контакта с химическими веществами в домашних условиях. Особое внимание уделяется здоровому образу жизни, оздоровительным физическим нагрузкам, соблюдению режима питания и др.

Таким образом, своевременное обращение больного с кожными проявлениями к дерматологу будет способствовать ранней диагностике заболевания, определению тактики правильного введения, что позволит значительно повысить эффективность проводимого лечения, добиться длительной клинической ремиссии и осуществить профилактику обострения заболевания.

Ш. МАВЛЯНОВА,

доктор медицинских наук,
Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр
Дерматологии и венерологии.

Презентация

Сохраняя
национальные
ценности

24 июля нынешнего года в Национальном пресс-центре Узбекистана состоялась пресс-конференция, посвященная презентации обществу «Полонлар миллий энциклопедияси». Представителям средств массовой информации рассказали о ее целях и задачах, а также о тех причинах, которые побуждали организаторов приступить к созданию столь уникального экземпляра.

С момента обретения Узбекистаном независимости спорт стал считаться приоритетным направлением нашей страны. Большое количество спортивных комплексов украшает столицу и другие города республики, по стране функционируют кружки и спортивные секции по любому направлению спорта. Заслуженные тренеры, достижения больших высот в сфере спорта, с гордостью передают свое умение ученикам, которые в будущем будут защищать имя нашей страны на международных состязаниях.

Основная цель энциклопедии заключается в том, чтобы запечатлеть в памяти людей имена выдающихся спортсменов страны. Приоритетными направлениями деятельности общества определены сбор и издание при сотрудничестве с центрами и федерациями единоборств информации о достижениях мастеров спорта и тренеров на республиканских и международных соревнованиях, содействие федерациям, ассоциациям и клубам единоборств в повышении духовно-просветительских качеств, организации национальных и международных конференций по вопросам развития этих видов спорта и других мероприятий, направленных на повышение спорта на качественно новый уровень.

Конференция стала местом сбора членов Сената, депутатов законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, представителей министерств, Центра восточных единоборств и развития боевых искусств Узбекистана. Помимо этого, в числе приглашенных были также именитые спортсмены страны, заслуженные тренеры.

Первый выпуск «Полонлар миллий энциклопедияси» планируется в следующем году.

Много людей посвящая свою жизнь спорту, развитию данной отрасли жизнедеятельности в масштабах страны и всего мира, а затем передаче накопленного в течение жизни опыта ученикам. Страна должна помнить имена своих героев, память о них должна всегда жить в сердцах поколений. Мы очень надеемся на то, что общество «Полонлар миллий энциклопедияси» поможет сохранить в памяти людей имена тех, кто посвятил свою жизнь развитию национального вида спорта – кураша – в нашей республике.

Юлдуз НАЛИБАЕВА

Карор ва ижро

МАСЪУЛЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК ЗАРУР

Инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига хизмат қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири экан, бу борада давлатимиз томонидан зарурий чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва "Республика

тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 700-сонли Карори мазкур йўналишда ислохот жараёнларини янада такомиллаштирди. Соҳадаги ривожланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофазада ҳар бир тиббиёт муассасасининг масъулияти ва фаоллигини оширди. Шу маънода Хоразм вилояти, Шовот туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Жуманазар Махмудов билан суҳбатда бўлдик.

Амалдаги тиббиёт ислохотларини янада мувофиқлаштириш жараёни туман тиббиёт бирлашмаси фаолиятида қандай самара бермоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари, меъёрий ҳужжатлари асосида туманда бир қатор муҳим ва долзарб ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатимизнинг соҳа ривожини юксалтиришга қаратилган барча қарорлари тиббиёт ходимлари фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда тиббиёт бир-

лашмасининг 262 нафар малакали врачлари, 1357 нафар ўрта тиббиёт ходими туманнинг 136 минг 400 аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурига асосан қишлоқлардаги фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаториялари ўрнига бугун замонавий типда бунёд этилган, зарурий жиҳозлар билан таъминланган, малакали тиббиёт ходимларига эга 17 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бирлашмада 460 шифо ўрнига мўлжалланган 9 та бўлим мавжуд. Хусусан, шошилинч тез ёрдам бўлими мудири Бекбўисин Аллаберганов, режа-

ли хирургия бўлими мудири Нуриддин Боқиев, туғруқхона комплекси мудираси Гулора Якубова, гинекология бўлими мудираси Зевар Тожиева ва бош қилиб тоифали шифокорларнинг сайёҳаратлари билан бирлашмада кенг камровли ўзгаришларга эришилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, малакали тиббиёт ходимларининг касбига бўлган маҳоратини ошириш мақсадида бирлашмада маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилиб, ойда бир марта турли мавзуларда ўқув машғулоти ўтказиб турилади. Бирлашмага қарашли 24 та муассаса ходимларининг касбий

